

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Хусусийлаштирилган савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳаси объектлари фаолиятидаги тартиб бузилиши ҳоллари тўғрисида

Мавжуд савдо майдонларидан паст даражада фойдаланилмоқда. Хусусийлаштирилган дўконлар бўйича ушбу кўрсаткич 30-40 фоиздан ошмайди, қолган майдонлар ижарага берилган ёхуд амалдаги қонун ҳужжатларига зид равишда уйинхона ва кўнгилочар муассасалар эгиб қайта жиҳозланган. Масалан, хусусийлаштирилган 513 та дўкон негизда уйинхона ва кўнгилочар муассасалар, шу жумладан 323 та биллардхона ташкил этилган.

рига, энг аввало, уларни яшаш жойларида тегишли даражадаги савдо хизмати ва хизмат турлари билан таъминлашда жиддий зарар etkazилмоқда. Савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳасида вужудга келган ишларнинг бундай аҳолини ҳол деб эътироф этиш керак.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) қўмитаси, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси "Давархитектурилиш" қўмитасининг Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бۆшқармаси чакана савдо объектларини қуришда

Оқорида қайд этилган тартиб бузилишлари натижасида фуқаролар манфаатлари (Давоми. Боши 1-бетда).

Амалга оширилган ишлар натижасида тўғрисида 2003 йил 20 январгача Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

3. Белгиланган қўйилсинки: хусусийлаштирилган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг фаолияти йўналишини ўзгартириш фақат Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

ҳокимликларининг тақлифларига асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

Тошкент вилояти — Жанубий Қозоғистон вилояти:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Делегация аъзоси — Жанубий Қозоғистондаги Мирэксент пахта тозалаш заводининг директори Салдар Жамолов шундай дейди:

— Биз — ўзбек ва қозоқлар қадим Турон фарзандларимиз. Ўзим олий маълумотли Тошкентда олганман. Уч ўғил, икки қизим, уч келин, икки кўвим — ҳаммалари ҳам Тошкент олий ўқув юртини битирган.

Цехларимиз асосан Ўзбекистон машина-созлик корхоналарида ясалган машина-ускуналар билан жиҳозланган. Шунинг учун ҳам юртингиз пахта тозаловчилари, машинақозлар билан алоқаларни мустақамлашдан манфаатдоримиз.

Шу замонавий санъат марказида Жанубий Қозоғистон вилояти расмолари ва амалий санъат усталари асарларининг кўргазмаси очилишига бағишланган тантана бўлиб ўтди. Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Факултетида ва муқтор элчиси Умарзоқ Ўзбеков қисқача кириш сўзи билан маросимни очиб, Жанубий Қозоғистон вилоятининг ҳокими Болат Жилкишиевга сўз берди.


— Бизга улугъ неъмат — ёнма-ён қўшни бўлиб яшаш неъматини ато этилган, — деди азиз меҳмон. — Қадимий Шарқ ҳикмати таъкидлайдики, ҳовли олма, қўшни ол. Қадим-қадимдан сиз билан биз бир заминда яшаймиз, тақдиримиз бир, тарихимиз бир, илдиларимиз бир. Оғир ва машаққатли паллаларда ҳаммиса бир-биримизга ёрдамга ошиқамиз. Нон-тузимизни бўлишамиз, маслаҳатлашамиз. Бизларнинг маданий-маънавий меросимиз қадимдан туташ, у улугъ бобларимиз Беруний ва Форобий, Ибн Сино ва Улугбек, Бобур ва Абай, Абдулла Қодирий ва Мухтор Авазовлар улугъ юлдузларининг нури билан ёрқин. Бу улугъларимизнинг номлари инсоният цивилизациясида муносиб ўрин эгаллайди.

Халқларимиз тарихида ўз амаллари билан доғишмандлик ва адолат мезонига айланган, барча туркий тили халқларни бирлаштириб-қовуштирган Ҳўжа Аҳмад Яссавий алоҳида ўрин тутди. Биз шунинг таъкидлашганимиз мумкин эмаски, Ўзбекистон заминига, қадимий Тошкент бағрига, мўқаддас Шайхонтоҳур тулғоғига бизнинг буюк аждоғимиз Тўлаби дафн этилган. У муқаррам зот бизга ўзбек халқи билан дўстликни мустақамлаб боришни васият қилган.

Бугунги кунда Жанубий Қозоғистон вилоятида 350 минг ўзбек истиқомат қилиб турибди. Сақсий ўзбек маданият маркази, дарслар ўзбек тилида олиб бориладиган 80 та мактаб фаолият кўрсатмоқда. Ўзбек тилида бешта газета чоп этиляпти. Маҳаллий телеканаллар ўзбек тилида эшиттиришлар олиб боради. «Сайрам оқшоми» телеэшиттиришлари мунтазам тус олган. Чимкент шаҳрида ўзбек миллий театри очилган таррадуидамиз.

Минтақамизнинг Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожланиб борапти. Жанубий Қозоғистон вилоятининг Ўзбекистон билан ташқи савдо айланмаси ҳажми бу йил 7 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда. Корхоналаримиз мамлакатимизга 3 миллион АҚШ доллари қийматида халқ истеъмоли буюмлари, озик-овқат, кимё, машинасозлик санъати маҳсулотлари etkazиб берди. Бугунги кунда вилоятимизда Ўзбекистон иштирокидаги 6 та қўшма корхона рўйхатга олинган. Улар мебель, соғлиқни сақлаш ва лаборатория ускуналари, кийим-кечак ишлаб чиқармоқда. Шу билан бирга эътироф этишимиз керакики, жуда катта салоҳиятга эга бўлган бизнинг минтақамиз учун бу даража асло етарли эмас. Қозоғистон Республикаси қонунларига биноан бизда тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда ва биз бугун Ўзбекистоннинг манфаатдор тадбиркорларини кенг ҳамкорликка даъват этишимиз. Қозоғистон билан Ўзбекистон ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 10 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган бугунги учрашув ва мулоқотларимиз ҳам ана шу ҳамкорликни чуқурлаштириш сари қўйилган янги бир қадам бўлиб қолажағига шубҳамиз йўқ. Турон халқларининг тарихий ҳаёт қон-томири — Буюк Ипак йўлидаги ҳамкорлигимизни бундан буён янада ривожлантиришимиз керак. Ишончим комилки, савдо, инвестиция, савдо-иқтисодий, маданий айирбошлашга қўлайлик туғдириш сиваси барча жаҳалларда алоқаларимизни яна ҳам кенгайтиришга йўллари очиқ, юқори даражада ривожланган мамлакатлар даражасига кўтарилишимизга имкон яратди.

Мехмонларни Тошкент вилоятининг ҳокими Умнат Мирзақулов табриклиди. — Азиз достлар, шу серкувчи аждоғимизимизда Сизларни Тошкент вилоятининг кўп миллатли аҳолиси ва шахсан ўз номидан (Давоми. Боши 1-бетда).



чин қалбдан қўлайман, — деди Умнат Мирзақулов. Қозоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига ўн йил тўлаяпти. Шу давр мубайнида икки қардош халқ ва қўшни давлатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар ниҳоятда жадал ривожланиб бормоқда. Тошкент ва Жанубий Қозоғистон вилоятлари корхоналари ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар ва амалий ҳамкорлик бунинг далилидир. Фақат сўнгги йилларнинг ўзида вилоятимизда тадбиркор ва ишбилармонларимиз барпо этган етти янги корхона рўйхатга олинди. Бугун очилаётган мана шу кўргазма ҳам халқларимизни янада яқинлаштиришга, ижодкорларимиз ҳамкорлигини кучайтиришга хизмат қилиб, маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлиб қолади.

Мехмонлар ва мезбонлар кўргазмани кўздан кечира бошлашди. Жанубий Қозоғистон вилоятининг фольклор жамоаси ўз санъатини намойиш этди. Қўшни Қозоғистон Республикасида мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, қардош халқ ҳаёти, қадимий Туркистон шаҳри ёдронлиқлари ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар намойиш этилди. Марказдан чиққан чоғи мехмонларга эсдалик совғалари топширилди. Соат 12.00. Мехмонлар Тошкент вилояти ҳокимлиги биносига ташириб буюришди. Бу ерда ҳар икки вилоят делегацияларининг музокаралари бошланди. Тошкент вилоятининг ҳокими Умнат Мирзақулов вилоятимизга ташириб буюрган мехмонларни яна бир бор табриклаб, жумладан, қардош Қозоғистон, хусусан, қўшни Жанубий Қозоғистон вилояти билан савдо-иқтисодий

ҳамда объект эгасига илгари хусусийлаштиришга қўйилган ҳаражатлар қайтарилган ҳолда объект қайта сотилиши керак. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, компаниялар, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек бошқа хусусийлаштирилган корхоналар эгалари томонидан фаолият йўналишини сақлаб қолш юзасидан хусусийлаштириш шартномаларида назарда тутилган шартларга риоя этилиши устидан доимий мониторингнинг таъминлашсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси "Давархитектурилиш" қўмитасининг Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бۆшқармаси чакана савдо объектларини қуришда

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан шахарсозликка доир қонун ҳужжатларига, белгиланган шахарсозлик нормалари ва қўдаларига риоя этилиши устидан талабни кучайтиришлар, минтақаларда савдо корхоналари тармоғи аҳолининг жойлашуви хусусиятини ва кенг қамраб олиншини назарда тутган ҳолда ривожлантирилишини таъминлашсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда: амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ўн кун муддатда тақлифлар киритсин; идоравий норматив ҳужжатларни бир ой муддатда мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Исмоилов ва М.Усмонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
Тошкент шаҳри, 2002 йил 21 ноябрь.

алоқаларни кенгайтириш имконини берувчи омилларга алоҳида тўхталиб ўтди. — Вилоятимизда йирик рангли ва қора металлургия корхоналари, энергетика, машинасозлик, кўмир, кимё, тўқимачилик, энгил ва пахта тозалаш корхоналарининг мавжудлиги алоқаларимизни янада юқори босқичга кўтариш имконини беради. — деди вилоят ҳокими. — Бизда замонавий қишлоқ ҳўжалик машиналари, цемент, шифер, керамика, ойна, ғишт қўллаб ишлаб чиқарилмоқда.

Учрашувда вилоятнинг қишлоқ ҳўжалиги, транспорт коммуникацияси ҳақида айтилган маълумотлар меҳмонларда катта қизиқиш туғдириди. — Бугун биз савдо-иқтисодий ва бошқа алоқаларимиз ривожига янги суръат бағишловчи ҳўжжати имзолаймиз, — деди Умнат Мирзақулов ўз сўзини якунлаштириб. — Сизнинг, хўрматли Болат Абжапарович, вилоятимизга сафарингиз аънаваний савдо-иқтисодий муносабатларни, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни ривожлантириш, икки қўшни минтақанинг барча соҳалардаги ҳамкорлигини чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Биз Ўзбекистондан деҳқонлик ва боғдорчилик, озик-овқат, кимё санъати маҳсулотлари қўғм массаси, тўқимачилик ускуналари ва кийим-кечак, мармар, ганч, цемент, машина-ускуналар ва механикалар, ер, сув ва хаво транспорти воситалари оламиз. Уларнинг умумий қиймати ўтган тўққиз ойда 3,7 миллион АҚШ долларидан ошиб кетди.

Лекин, бугун минтақаларимиз ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан шунинг айтишим керакики, ўзаро савдо-сотик ва иқтисодий алоқаларимизни ривожлантириш учун бир қатор асосли омиллар бор. Биз шерикчилик муносабатларини ривожлантириш ва чуқурлаштиришга монелик қилувчи муайян муаммоларни бартараф этиш учун реал имкониятларга эгамиз.

Шу муносабат билан музокаралар чоғида қўшни вилоят ҳокими бир қатор тақлифларни илгари сурди. Чунючки, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, чегара бўйи савдо-иқтисодий алоқаларидан улгуржи савдо бозорлари, қўшма ахборот маркетинг хизмати ташкил этиш, ўзаро манфаатли асосларда азотли ўғитлар, хайдов тракторлари, ғўза қатор оралирини юмшатувчи ускуналар, экиш агрегатлари etkazиб беришни йўлга қўйиш ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлиши айтилди. Жанубий Қозоғистон вилояти тўқимачилик ва тикувчилик корхоналари ҳам қалава ва толага эътижаманд.

Шунингдек, музокаралар чоғида меҳмон икки вилоят ўртасида транспорт ҳаракати, божхона хизмати ва аҳоли миграцияси соҳаларида ҳам ҳамкорлик кучайтирилиши лозимлигини тилга олди. Музокаралар чоғида илмий ва маданий алоқаларни ривожлантириш хусусида ҳам кенг фикр алмашинди. Ўқув қуроллари, дарсликлар алмашиш, халқаро жамғармалар ва ташкилотларнинг экологик дастурларини биргаликда амалга ошириш истиқболлари, санъат ва адабиёт намоёндаларининг учрашувлари, кўргазма, концерт ва ижодий кечалари, туризмни кенгайтириш масалалари хусусида сўз борди.

Музокара ва фикр олишувлар пировардида Ўзбекистон Республикасининг Тошкент вилояти билан Қозоғистон Республикасининг Жанубий Қозоғистон вилояти ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги режалар протоколи имзоланди. Ҳўжжати Тошкент вилоятининг ҳокими Умнат Мирзақулов ва Жанубий Қозоғистон вилоятининг ҳокими Болат Жилкишиев имзолашди.

Мехмонлар тушдан кейин вилоятимизнинг Қибрай туманида жойлашган маиший хизмат ҳодимларини таъбирлашга ихтисослашган касб-хўнара коллежиде бўлиб, ёшларга замонавий билим бериш борасида амалга оширилаётган янгиликлар билан танишдилар. «Медиз» ва «Кабул-Текстайл» қўшма корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятини кўздан кечиришлар. Шунингдек, меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

Кечқурун Тошкент вилояти ҳокими номидан делегация аъзолари учун қабул маросими ўтказилди. Шу кўни Жанубий Қозоғистон вилояти делегациясининг таширифи ниҳоясига етди. **ЖўРА САЪДУЛЛАЕВ,** «Тошкент ҳақиқати»нинг маъсуум муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига

ОДИЛ СУДЛОВ МАВЗУСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида «Одил судлов — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати» мавзусидаги давра сўҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилинганининг 10 йиллиги муносабати билан ташкил этилган ушбу тадбир иштирокчилари — назарий ва амалиётчи ҳуқуқшунослар ҳамда журналистлар Бош қўмитаси мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда бир қатор масалалар ҳақида фикр юритдилар. Хусусан, «Судга мурожаат этиш асослари», «Судларнинг ихтисослашуви — давр талаби. Ютуқ ва муаммолар» мавзулари муҳокама қилинди.

Президентимиз Ислам Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида тараққиётимиз янги босқичи асосий йўналиш ва вазифаларини белгилаб берар экан, бу борадаги устувор йўналишлардан бири — суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом этиришдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Айна чоғда юридик-ҳуқуқий мезърларни эркинлаштириш ва янгилаш, суд органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва соҳага оид янги қонун ҳужжатларини қабул қилишда ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасидан ҳамда халқимизнинг миллий ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда иш қуриш муҳим аҳамиятга эга. Дав-

ра сўҳбати мобайнида ана шу масалаларга алоҳида эътибор берилди. Шунингдек, мулоқот чоғида суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро муносабати хусусида сўз борди. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда кенг миқёсдаги ўзгаришлар моҳияти ва аҳамиятининг журналистлар томонидан мунтазам ёритилиб борилиши жамоатчилик фикрига, фуқароларнинг ҳуқуқий онига таъсир ўтказиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутуши қайд этилди.

Суд ва оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлиги, журналист суриштируви ва ахборот олиш имконияти масалалари ҳақида кизгин баҳс ва мунозаралар бўлди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий суди расисининг биринчи ўринбосари А.Ишметов бошқарди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А.Саидов, Ҳарбий суд раиси Т.Мирзаев, Конституциявий суд расисининг ўринбосари Б.Мирбобоев ва бошқалар иштирок этишди.

«ҚОНУН, ДЕМОКРАТИЯ ВА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ»

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги олдидан Қибрай туманидаги маиший хизмат коллежиде ана шу мавзуда тадбир бўлиб ўтди.

Вилоят «Маънавият ва маърифат» кенгаши ташаббуси билан уюштирилган ушбу тадбирда ҳуқуқшунослар, адабиётшунослар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раислари, нурунийлар ва талаба ёшлар иштирок этдилар.

Анжуманда Республика «Маънавият ва маърифат» маркази бош мутахассиси, адабиётшуноси Зиёда Гофурованинг «Уч буюк кадрият: маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат», Тошкент Давлат Авиация институти доценти, юридик фанлари номзоди Ҳожиакбар Тожибоевнинг «Давлат ҳокимиятини таш-

қил этиш борасидаги ислохотлар моҳияти» ҳамда Тошкент Давлат Педагогика университети катта ўқитувчиси Фарход Олимовнинг «Миллий ва умуминсоний кадриятлар ўй-ғунлиги», шунингдек, шора Зуфия Ғуминованинг «Сўз эркинлиги ва матбуот имкониятлари» мавзуларидаги маърузалари ва фикр-мулоҳазалари тингланди.

Тадбир баҳс-мунозарара бой тарзда бўлди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдлар ва кўтарилган масалалар юзасидан ўз фикрларини баён этдилар. **Ўз мухбиримиз.**

ҚОМУС ҲАМДА АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

«Экосан» халқаро жамғармасида «Ўзбекистон: атроф-муҳит ва инсон саломатлигини муҳофаза қилишнинг конституциявий асослари» мавзусида халқаро учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда тегишли вазирлик, идора, жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари ҳодимлари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, Бош қўмитамизнинг мазмун-моҳияти инсон манфаатларига хизмат қилишга қаратилган. Инсонга ато этилган энгил ҳуқуқи тўла қаролатилган Конституцияимизда унинг соғлом табиий муҳитда умр кечиришига имкон яратиш вазифасига ҳам катта эътибор қаратилган. Бош қўмитамизнинг 55-моддасида: «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа таби-

ий захиралар умуммиллий бойлиқлар, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасида тегишли вазирлик, идора, жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари ҳодимлари иштирок этди. Таъкидлаш жоизки, Бош қўмитамизнинг мазмун-моҳияти инсон манфаатларига хизмат қилишга қаратилган. Инсонга ато этилган энгил ҳуқуқи тўла қаролатилган Конституцияимизда унинг соғлом табиий муҳитда умр кечиришига имкон яратиш вазифасига ҳам катта эътибор қаратилган. Бош қўмитамизнинг 55-моддасида: «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа таби-

Кекса авлод манфаатлари — давлат ҳимоясида **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида "Кекса авлод манфаатлари — давлат ҳимоясида" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.** Қарияларни қадрлаш йилга бағишланган ушбу тадбир Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари ҳамда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмиталари, шунингдек, Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти билан ҳамкорликда ташкил этилди. Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Н.Жўраев бошқарган ушбу анжуманда қарияларни қадрлаш — катта сиёсий, иқтисодий, иқтисодий, маънавий ва маърифий воқеа экани таъкидланди. **Ў.А.**

БИЗНИНГ НОМЗОДЛАРИМИЗ

Вилоятимиздаги беш нафар қобилиятли, иқтидорли қизларимизнинг ижодий ишлари Зулфия номидаги Давлат мукофотига тавсия этилди

Мустақиллик, эркин ҳаёт аҳоли барча қатламларининг ўзигини намоён этиш йўлидаги ғайрат-ташаббусини жўш урдириб юборди. Президентнинг Фармони асосида иқтидорли хотин-қизларни рағбатлантириш учун Зулфия номидаги Давлат мукофотининг тавсия этилиши бу жараёнга янги куч бағишлади. Мана тўрт йилки, адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданиятни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиб, за-

мондошларининг миллий истиқлоқ гоюлари ва маънавий-маданий кадрларга эътиқодини чиниқтириш борасида изланаётган қобилиятли қизларимиз бу мукофот билан тақдирлаб келинмоқда.

Тошкент вилоятида ҳам иқтидорли қизларни тарбиялаш, уларнинг муносибларини Зулфия номидаги Давлат мукофотига тавсия этишга эътибор муттаасил кучайтириляпти. Бу йил ҳам танлов

икки босқичда ўтди. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳузурида ташкил этилган махсус комиссиянинг ишчи гуруҳлари томонидан шахар ва туманларда ўтган танловлар якунларига кўра алоҳида танлаб олинган 11 қизнинг ижодий иши иккинчи босқич танловида қўриб чиқилди. Улар орасидан муносиб беш номзод танланиб, бешта йўналиш бўйича республика Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясига тавсия этилди.

Наима АБДУРАҲИМОВА — Паркент туманидаги 10-урта мактабнинг 10-синф ўқувчиси. Шерв ва мақолалари «Паркент тоғи» ва республика газеталарида чоп этилган. 2001 йили нафосатли ёш қаламкашлар республика кўриқ-танловида ғолиб чиққан. Бу йил республика иқтидорли болалар кўриқ-танловида биринчи ўринни эгаллади. «Кўзларимиз дунёнинг акси» шеърли китоби учун адабиёт йўналиши бўйича мукофотга тавсия этилди.

Елизавета ЦОЙ — Чиноз шаҳридаги 1-урта мактабнинг 9-синф ўқувчиси. Мусика мактабининг фортепиано бўлимини тугатган. «Ёш расом» туман танловининг ғолиби бўлиб, Рўзи Чориев совринини олган. «Олтин микрофон» кўрсатуви совриндори. Расм чизиш, рақс, мусика, қўшиқчиликдаги ижрочилик маҳорати учун санъат йўналиши бўйича мукофотга тавсия этилди.

Екатерина АБЛАЕВА — Тошкент Давлат аграр университетининг 1-курс магистранти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг талабалар учун тавсия этилган Давлат стипендиялари 2002 йилги танловининг қишлоқ хўжалиги ва ирригация йўналиши бўйича ғолибаси. 7 та илмий мақола чоп этилган. Спортнинг сузиш тури бўйича маҳоратли қизлар орасида илмий изланишлари ва мақолалари, аҳоли хули учун фан йўналиши бўйича мукофотга тавсия этилди.

Гуллиора ПЎЛАТХЎЖАЕВА — 2001 йили Тошкент педагогика билим юртини битириб, Тошкент туманидаги Акмал Икромов номи ўрта мактабда иш бошлади. «Ўқитувчи — 2002» кўриқ-танловининг туман босқичи совриндори. Мактабда рақс тўғрагида очиқ, хаваскор ижрочилар маҳоратини оширяпти. Ташкилотчилик, машғулотлари олиб боришнинг замонавий технологияларини жорий этишдаги ютуқлари учун таълим йўналиши бўйича мукофотга тавсия этилди.

Наврўза ЭШОНХЎЖАЕВА — Бўстонлиқ туманидаги 18-урта мактабнинг 8-синф ўқувчиси. Аълочи, иқтидорли қиз мусика мактабининг пианино бўлимида тахсил олган. Қаштачилик, зардўзлик билан шуғулланади. «Болалар санъати», «Ташаббус — 2002» кўриқ-танловларининг ғолиби. 16 нафар шогирдга ўз хунарларини ўргатмоқда. Наврўза маданият йўналиши бўйича мукофотга тавсия этилди.



ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАР РИВОЖИГА БАҒИШЛАНДИ

Мамлакатимиз дунёнинг ривожланган демократик давлатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар билан барча жабҳаларда, жумладан, қонунчилик ва ҳуқуқ соҳаларида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Тошкент давлат юридик институти талабалари билан ТАСИСнинг "Ўзбекистонда демократлаштириш жараёни" лойиҳаси халқаро эксперти, Швециядаги Омбудсман институти

департаменти бошлиғи Тимо Рейнер Манинен ўртасида бўлиб ўтган учрашув ҳам соҳадаги ана шундай ҳамкорлик алоқаларига бағишланди. Тadbбирда Швеция Омбудсман институти фаолияти билан боғлиқ маъруза

тинланган. Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳоти, демократик жараёнлари янада чуқурлаштириш, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш соҳасидаги ижобий ўзгаришлар хусусида атрофли фикр-мулоҳаза юритилди. Тadbбирда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова иштирок этди.

У.А.

ЎЗМЭИ 70 ЁШДА

Бугунги кунда республикаимизда қишлоқ хўжалигининг бирор тармоғи йўқки, у ёки бу техника воситасидан фойдаланилмаётган бўлсин. Бунда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (ЎЗМЭИ) жамоасининг ҳам катта ҳиссаси бор.

Ушбу йирик илмий даргоҳнинг республика қишлоқ хўжалиги ривожига илмий-амалий жиҳатдан самарали ёрдам кўрсатиб келаётганига етмиш йил бўлди.

20-21 ноябрь кунлари ЎЗМЭИ нинг 70 йиллигига бағишланган тантанали тadbбирлар ҳамда «Республикада қишлоқ хўжалиги раҳбарлари институти жамоасини илмий-амалий изланишлар билан кечган етмиш йил давомида қўлга киритилган ютуқлар билан табриклади.

Ҳақиқатан ҳам ЎЗМЭИ республика қишлоқ хўжалигини механизациялаш билан шуғулланаётган энг йирик илмий муассасалардан биридир. У айниқса, кўп қўл меҳ-

натин талаб қиладиган пахтачиликда деҳқонларнинг оғирини енгил қилиш, хом ашёнинг таннархини арзонлаштириш борасида самарали изланишлар олиб бормоқда. Институти олимлари томонидан яратилган замонавий дон экиш, чигитни плёнка остига экишга мўлжалланган севалкара, фермерлар учун минн техника воситалари деҳқонларга манзур бўлди. Айниқса, дунёда биринчилар қатори ЎЗМЭИ да яратилган чигитни аниқ экиш технологияси пахтакорлар учун жуда қўл келиб, уруғлик чигитни қарийб икки баравар тежаш имконини берапти. Жаҳонда ўшшай бўлмаган икки ярусли плуглар ёрдамида эса республика далаларида бегона ўтларга қарши кураш борасида катта ютуқларга эришилди.

Етмиш йиллик муносабати билан уюштирилган илмий-амалий конференцияларда мамлакат қишлоқ хўжалигини механизациялаш янада чуқурлаштириш йўли-йўриқлари ҳақида ҳам кенг фикр-мулоҳаза юритилди.

Юбилей тантаналарида вилоят ҳокими Умта Мирзақуллов сўзга чиқиб, институти жамоасини илмий даргоҳнинг 70 йиллиги билан табриклади ва бир гуруҳ ходимларига вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлигини топширди.

Ўз мухбиримиз.

ДУШАНБА, 25

«Ўзбекистон» телеканали

Телеомошабинлар диққатига!

«Ўзбекистон» телеканали 25 ноябрь кунини ўз кўрсатувларини соат 15.00 да бошлайди.

- 15.00 «Тахлилнома».
- 15.45 «Ошин». Телесериал.
- 16.15 «Тўртинчи ҳокимият».
- 16.30 «Фарзанд - умид юлдузи».
- 16.50 «Рамазон тухфаси».
- 17.10 «Қалб гавҳари».
- 17.30 ТВ клип.
- 17.40 «КиноТеатр».
- 18.10 «Қўшигимиз Сизга армуғон».
- 18.25 «Мулк».
- 18.45 «Бахтли воқеа». Телелотеря.
- 19.15 «Олтин мерос».
- 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
- 19.30 «Ахборот» (рус тилида)
- 20.00 Оқшом эртақлари.
- 20.15 Биржа ва банк хабарлари.
- 20.30 «Ахборот».
- 21.05 «Ислохот одимлари».
- 21.15 Ўзбекистон халқ артисти Ф. Екубов куйлайди.
- 21.40 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».
- 22.00 «Рамазон тухфаси».
- 22.20 «Спорт, спорт, спорт».
- 22.35 «Ахборот-дайжест».
- 22.55-23.00 Ватан тинсоллари.

«Ёшлар» телеканали

- 8.55 Кўрсатувлар дастури.
- 9.00 Давр тоғи.
- 10.00 «Янги авлод» студияси: «Катта танлафурус».
- 10.25 Мультфильм.
- 10.35 Саломатлик сирлари.
- 10.55 ТВ-анонс.
- 11.00 «Давр» ҳафта ичиди.
- 11.30 Мусикий лаҳзалар.
- 11.40 Кинотаждим.
- 12.00 «Бўрилар ҳақида ҳақиқат». Хужжатли фильм.
- 12.50 Давр-news.
- 13.05 Болалар экранни: «Маринка, Янка ва қирол қасрининг сирин».
- 14.20 Кўна оҳанглар.
- 14.30 Автосалтанат.
- 14.45 «Кўз». Телефильм.
- 14.55 Спорт ҳафтаномаси.
- 15.10 «Унис фарёд». Бадий фильм.
- 16.40 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10 йиллиги олдидан «Озод элим-ойдин йўлим» кўриқ-танлови: Сирдарё вилояти телерадиокомпанияси тақдим этади.
- 17.10 Кўрсатувлар дастури.
- 17.15 «Янги авлод» почтаси, болалар шеърини.
- 17.45 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал премьераси. 6-қисм.
- 17.55 ТВ-анонс.
- 18.00 Ёшлар овози.
- 18.20 Муҳаддас бурч.
- 18.55, 21.55 Иқлим.
- 19.00 Давр.
- 19.35 Кўна оҳанглар.
- 19.45 «Давр»-репортаж.
- 19.55 Илдиз ва япроқ.

«Халқаро» телеканали

- 20.15 Қишлоқдаги тенгдошим.
- 20.35 Мухаббат қўшиқлари.
- 20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар.
- 20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
- 21.30 Бир ўлкаки. Нукус шаҳрининг 70 йиллиги олдидан.
- 21.50 Олтин мерос.
- 22.00 Давр.
- 22.40 ТВ-анонс.
- 22.45 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал.
- 23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танлафурус пайтида: 23.55 «Давр». Ахборот дастури.
- 1.00-1.05 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканали

- 17.15 Кўрсатувлар тартиби.
- 17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида».
- 20-қисм.
- 17.45, 19.10, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
- 18.05 Болажонлар экранни «Эски танишлар».
- 18.30, 20.00, 21.10, «Пойтахт». Ахборот дастури.
- 18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».
- 19.30 «Жозиб».
- 19.40 «Auto-news».
- 20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
- 21.30 «Хусусийлаштириш кадам-бакадам».
- 22.10 Пойтахт шарҳи.
- 22.35 Киноноҳ «Маҳзун қалблар меҳмонхонаси».
- 00.10-00.15 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

- Биринчи канал 6.30-8.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 17.15-17.45
- 17.45 Кўрсатувлар тартиби.
- 17.50 «Вести».
- 18.05 «Евроныйос» янгиликлари.
- 18.20 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
- 19.00 «Мени кутти!».
- 20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Теле-йўни.
- 21.00 «Время».
- 21.35 ТВ-Дада Немис туқини».
- 21.55 «Алсу ижросидаги концерт дастури».
- 22.45 «Аншлаж».
- 23.30 «Юлдузлар фабрикаси».
- 00.00 «Ахборот» (рус тилида)
- 00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!».

30-канал

- 16.55 Гага профилактика ишлари.
- 16.55 Дастуринг очилиши.
- 17.00 Шоу соати. 17.40, 20.45 «Телехамкор». 18.00 «30-канал» кинооқшомини: «Ҳаёт ва мамот». 19.30 «Ошиқона» мусикий дастури. 19.45 «Бригада». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телеабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшомини: «Қонунбузарлик». 23.15 «30-канал»да спорт.

СЕШАНБА, 26

«Ўзбекистон» телеканали

- 5.30 «Рамазон тухфаси».
- 5.50 «Бибихоним». Телефильм.
- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
- 8.00 - 8.35 «Ахборот».
- 8.40 Газеталар шарҳи.
- 9.00 «Камалат». Болалар учун кинодастур.
- 9.40 «Соғлом она - соғлом

«Халқаро» телеканали

- 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
- 10.05 «Мулк».
- 10.25 «Виждон». Телесериал. 1-қисм.
- 11.05 «Париси бор уй».
- 11.25 От спорти бўйича республика турнири.
- 11.45 Мусикий танлафурус: «Болалар сайёраси».
- 12.50 1. «Санъат гўначалари».
- 2. «Олтин тож».
- 13.00, 13.55 ТВ анонс.
- 13.05 «Балли, раислар!» ТелемуСОбақа.
- 14.10 Муайтай бўйича республика турнири.
- 14.30 «Сибсат оламида».
- 14.50 «Живз ва Вустер». Телесериал.
- 15.40, 17.30 ТВ клип.
- 15.50 «Ватанимга хизмат қиламан».
- 16.50 «Рамазон тухфаси».
- 17.10 «Талабалик йиллари».
- 17.40 Болалар учун. «Фламинго».
- 18.10 «Баркамол авлод орузи».
- 18.30 «Инсон ва қонун».
- 18.50 Бир жуфт қўшиқ.
- 19.05 «Тафсилот».
- 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
- 19.30 «Ахборот» (рус тилида)
- 20.00 Оқшом эртақлари.
- 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
- 20.30 «Ахборот».
- 21.05 «Солик ва биз».
- 21.20 «Ўзбекистон» каналда илк марабта: «Ошин». Телесериал премьераси.
- 21.50 «Рамазон тухфаси».
- 22.10 «Сарҳад билмас дўстлик».
- 22.30 «Аския».
- 23.00 «Ахборот-дайжест».
- 23.20-23.25 Ватан тинсоллари.

«Ёшлар» телеканали

- 8.55 Кўрсатувлар дастури.
- 9.00 Давр.
- 9.15 «Янги авлод» почтаси, болалар шеърини.
- 9.45 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал. 6-қисм.
- 9.55 Мусикий лаҳзалар.
- 10.05 «Давр»-репортаж.
- 10.15 «Эсмеральда». Телесериал.
- 10.45 «Менинг маҳаллам».
- 11.05 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
- 11.25 Илдиз ва япроқ.
- 11.45 Жаҳон жуғрофияси.
- 12.35 Болалар экранни: «Мульттомоша».
- 13.05 Ёшлар овози.
- 13.25 Интерфутбол.
- 13.55 Кўна оҳанглар.
- 15.20 Бир ўлкаки.
- 15.40 «Полиция комиссари».
- 16.30 Кўрсатувлар дастури.
- 16.35 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик»: «Севинч» гуруҳи.
- 17.05 «Кўк рангли сичқонча

«Халқаро» телеканали

- Биринчи канал 6.30-8.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 17.15-17.45
- 17.45 Кўрсатувлар тартиби.
- 17.50 «Вести».
- 18.05 «Евроныйос» янгиликлари.
- 18.20 «Ҳинд оҳанглари».
- 19.35 «Сўнгги қахрамон-2».
- 21.00 «Время».
- 21.40 «Топ-музыка».
- 21.55 Киноматограф «Ғолиб учун миллион».
- 23.30 «Юлдузлар фабрикаси».
- 24.00 FCN «Ўзбекистон

Теледастурлар

ва мушук». Мультсериал. 7-қисм.

- 17.15 ТВ-анонс.
- 17.40 Дийдор.
- 18.00 Ғазал соғинчи.
- 18.20 Автопаруль.
- 18.40 Оқшом наволари.
- 18.55, 21.55 Иқлим.
- 19.00 Давр.
- 19.35 ТВ-анонс.
- 19.40 Кўна оҳанглар.
- 19.50 Давр-интервью.
- 20.05 Марди майдон.
- 20.25 Ёшлик наволари.
- 20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар.
- 20.50 «Эсмеральда». Телесериал.
- 21.25 Ёшлар овози.
- 21.45 Олтин мерос.
- 22.00 Давр.
- 22.40 ТВ-анонс.
- 22.45 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал.
- 23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: «Нокаут».
- 23.35 Давр.
- 23.50 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
- 00.15-00.20 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканали

- 17.15 Кўрсатувлар тартиби.
- 17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида».
- 21-қисм.
- 17.45, 19.00, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
- 18.05 Болажонлар экранни. «Биринчи скрипка».
- 18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
- 18.50 «Химон».
- 19.20 «Спорт ва болалар».
- 19.35 «Мумтоз наволар».
- 20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
- 21.30 «Туризм ҳақида».
- 22.45 Киноноҳ, «Америкача оруз».
- 00.15-00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

- Биринчи канал 6.30-8.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 17.15-17.45
- 17.45 Кўрсатувлар тартиби.
- 17.50 «Вести».
- 18.05 «Евроныйос» янгиликлари.
- 18.20 «Ҳинд оҳанглари».
- 19.35 «Сўнгги қахрамон-2».
- 21.00 «Время».
- 21.40 «Топ-музыка».
- 21.55 Киноматограф «Ғолиб учун миллион».
- 23.30 «Юлдузлар фабрикаси».
- 24.00 FCN «Ўзбекистон

янгиликлари» (инглиз тилида)

- 00.10 «Ахборот» (рус тилида)
- 00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!».
- 9.00 Дастуринг очилиши.
- 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор».
- 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал.
- 10.40 «Жанговар санъат олами».
- 11.10 «Сирларимиз ёзи».
- Телесериал. 12.00 «Елланган гладиатор». Жангари фильм. 13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Телесериал.
- 15.00 «Домино принципи».
- 16.00 «30-канал»да спорт. 16.50 Шоу соати. 18.00 «30-канал» кинооқшомини: «Ҳаёлати котиллик». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Бригада». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телеабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшомини: «Бумеранг».
- 23.15 Реслинг титанлари.

ЧОРШАНБА, 27

«Ўзбекистон» телеканали

- 5.30 «Рамазон тухфаси».
- 5.50 «Самарқанд». Телефильм.
- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
- 8.00 - 8.35 «Ахборот».
- 8.40 Газеталар шарҳи.
- 9.00 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Нақшлар бўстони».

«Халқаро» телеканали

- 5.30 «Рамазон тухфаси».
- 5.50 «Самарқанд». Телефильм.
- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
- 8.00 - 8.35 «Ахборот».
- 8.40 Газеталар шарҳи.
- 9.00 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Нақшлар бўстони».

«Ёшлар» телеканали

- 8.55 Кўрсатувлар дастури.
- 9.00 Давр.
- 9.15 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик»: «Севинч» гуруҳи.
- 9.45 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал. 7-қисм.
- 9.55 Давр-интервью.
- 10.10 Мусикий лаҳзалар.
- 10.20 ТВ-анонс.
- 10.25 «Эсмеральда». Телесериал.
- 10.55 Таянч.
- 11.15 «2000 йилдан сўнг». Сериал.
- 11.35 Ёшлар овози.
- 11.55 Дийдор.
- 12.20 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: 1.«Нокаут».
- 2. Теннис.
- 13.25 Ғазал соғинчи.
- 13.45 Кўна оҳанглар.
- 13.55 Хўна шахрининг 70 йиллигига: «Бир ўлкаки».
- 14.15 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
- 15.05 «Некиш соғлиққа зарар». Телефильм.
- 15.15 Автопаруль.
- 15.35 «Полиция комиссари». Телесериал.
- 16.25 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10 йиллиги олдидан «Озод элим-ойдин йўлим» кўриқ-танлови: Навоий вилояти телерадиокомпанияси тақдим этади.
- 16.55 Кўрсатувлар дастури.
- 17.00 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», кичкинтой театри.
- 17.35 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал. 8-қисм.
- 17.45 ТВ-анонс.
- 17.50 Ёшлар овози.
- 18.10 Чемпион сирлари.
- 18.30 Каталог.
- 18.40 Оқшом наволари.

«Ёшлар» телеканали

- 8.55 Кўрсатувлар дастури.
- 9.00 Давр.
- 9.15 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик»: «Севинч» гуруҳи.
- 9.45 «Кўк рангли сичқонча ва му

БИТТА...

Балки, биз кетмасмиз битта кемада,
Биз кўрган манзара балки икки хил.
Билиб қўйганимиз яхши дейман-да,
Тобут ҳам биттамас, энг сўнги манзил.

Орзу-ҳавасимиз, йўлимиз бўлак...
Аммо бир бўлсин энг катта дардимиз.
Ҳар қандай қобикқа ўранмайлик ҳам,
Элимиз биттадир, битта юртимиз.

ҲАМОН ОВОРАДИР...

Аслида қадимдан қолган доғда ҳам
Яшайди ўтмишининг сабоқ, хатоси.
Эл доим бир тараф бўлган чоғда ҳам
Ажралиб тураркан учта-тўрттаси.

Ер билан Осмон ҳам Вақтнинг қўлида,
Абадий бир Ватан унинг ўртаси.
Эл ичра юрса ҳам элининг йўлида,
Бошқача фикрлар учта-тўрттаси.

Гўёки ақлдан уларда кўпроқ,
Уларга берилган тилининг каттаси.
Гулини тиконга яширган янтоқ
Сингари санчилар учта-тўрттаси.

Элининг юрагига қўл солиб кўрар,
Тўлмай қолганида иғво халтаси.
Оловлар кўрига сув қўйиб турар,
Пана-панадан гоҳ учта-тўрттаси.


Юрт тўзиб, ўртадан барака қочса,
Ёруғроқ бўларди улар эртаси.
Эл кўксин ифтихор шамолдай қучса,
Тескари қарайди учта-тўрттаси.

Ватан бораётир эрдан оғишмай,
Қуриб, чириб битди қуллик кундаси.
Боши битта жойга сира қовушмай,
Ҳамон оворадир учта-тўрттаси...

Ҳамид НОРКУЛ.

Халқ табобати

ХУРМО



Табобатда хурмони, айниқса, юқумли касалликлардан кейин заифлашиб қолган кишиларга, камқонлик маҳалида буюрилади.
Ибн Сино қони қамайиб, заифлашиб қолган одамларга хурмо истеъмол қилиб туришни буюрган.
Камқон бўлиб, қувватдан кетган одамларга, шунингдек меъда ичак йўлининг инфекцияга боғлиқ бўлмаган яллиғлини касалликларда хурмонинг наф бериши замонавий табобатда ҳам аниқланган.
Хурмонинг кунига 3 маҳал еб туриш мумкин.

СКАНВОРД

Scrabble grid with clues in Uzbek. Clues include: 'Яхши фазилат, ҳислат', 'Бехато', 'Хали очилмаган гул', 'Номиншонсиз', 'Ийрик йиртиқча балқ', 'Қурбон', 'Ўқутис-тоғдаги дарё', 'Хамирли таом тури', 'Рухан қаттиқ эзилган', 'Йилнинг тўрт мавсуми', 'Қиши, инсон', 'Сурат ора планетадаги манзара', 'Елгончи', 'Бир гуруҳ кишилар', 'Йт, кучук (форча)', 'Ҳақоний иш тўғроқ... турмуш', 'Турдан бир улуш', 'Сурат ора планетадаги манзара', 'Овоза қилмоқ...', 'Зурриёт', 'Зули, жабр', 'Самолёт русуми', 'Хўжа Насриддин', 'Муслиқ нота', 'Охирига ётмоқ...', 'Тайк, тўймоқ', 'Инсон танаси рангидagi фарқ', 'Миллиметр (қисқартмаси)', '...бивт (фан)', 'Дам, ҳордиқ', 'Қуршов', 'Жисмининг кўриниши'.

Тузувчи: Акрамжон ХУЖАМОВ.

Қадриятларимиз

«ГУЛЁР»НИНГ ОНАХОНИ

Фидойи инсонларни ардоқлаш, уларнинг камтарона меҳнатини тақдирлаш халқимизнинг ўзига хос анъаналаридан биридир. Кўни кеча Ҳазратлар шаҳар маданият саройида бўлиб ўтган тадбир эса, «Гулёр» фольклор-этнографик дастасининг бадий раҳбари Лазоқат Нуримова таваллудининг 80 йиллиги ҳамда «Гулёр» дастаси ташкил этилганлигининг 25 йиллигига бағишланди.

Фольклор-этнографик дасталар фаолияти мусаффо ирмоққа ўхшайди, усиз маънавийтимиз ривожини тасаввур этиш қийин. Ана шундай жамоалардан бири Бўстонлик тумани маданият бўлимининг «Гулёр» фольклор-этнографик дастаси айни кунга тўлган, халқ орасида танилиб, кўплаб муҳлислар орттирган жамоалардан бирига айланган. Шунингдек таъкидлаш жоизки, «Гулёр» дастасининг дастуридан қадимий ва ҳозирги замон халқ кўшиқлари, айтушувлар, ёр-ёр, Ватанини, истиклолимизни мадҳ этувчи кўшиқлар ўрин олган. Уй бекалари, нафақахўрлар ва мактаб ўқувчиларидан ташкил топган даста бугунги кунда халқ озаки ижодиёти намуналарини санъат шинавандалари орасида тарғиб қилиб келмоқда. Ҳакима Абдурахмонова,



Тиллаҳон Орипова, Ҳакима Мирсамикова, Салима Мирза-Ўқубова, Жумагул Шорахматовалар «Гулёр» дастасининг асосини ташкил этади. Даста аъзолари 80 ёшли онахон Лазоқат Нуримова бошличилигида янги-янги дастурларни тайёрлаб, нафақат ғазалкентликларни, қолаверса, вилоятимиз санъат илосмандларини ҳам хушнуд этишмоқда.
Ўз муҳбиримиз.
СУРАТДА: Лазоқат Нуримова шогирдлари ва муҳлислари даврасида.
Даврон АҲМАД олган сурат.

«ТОШКЕНТ КУЗИ-2002»



Тошкентдаги халқаро бизнес марказида «Тошкент кузи-2002» кўргазмаси очилди. Унда биринчи марта SONY фирмаси ўзининг энг янги ахборот технологиялари ва замонавий рақамли видеоускуналарини намойиш этмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан «Сони МДХ» ёпиқ акциядорлик жамиятининг бош директори Сигери Араи «SONY» маҳсулотларига Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва шахсан Президент Ислом Каримовнинг қизиқиш билдирганлиги бизлар учун катта обрў-этибор бўлди» деб таъкидлади.
— Биз Тошкентдаги кўргазмага муҳим аҳамият бермоқдамиз, — деди у. — Кўргазма амалий ҳамкорликнинг янги йўлларини очиб билан Япониya ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайди. С. Араининг таъкидлашича, SONY Business Europe компанияси ва SONY нинг МДХ мамлакатлари бўйича ваколатхонаси Ўзбекистонда бундай кўргазма илк марта ўтказмоқда.
— SONYнинг йиллик айлан-

маси тахминан 60 миллиард АҚШ долларини ташкил этади, — деб таъкидлади у. — С. Араининг айтишича, Ўзбекистон компаниялари бу ерда ишлаб чиқарилаётган энг янги технологияларни харид қилмоқда. Булар телеузастиш ускуналари, шунингдек, ахборот технологияларини ривожлантириш доирасида турли даражадаги раҳбарларнинг манфаатларига хизмат қилувчи корпоратив тизимлардир. Махлис заллари учун товуш ускуналари, телеконференциялар тизими кўринишидаги электрон алоқа воситалари, мультимедиа проекторлари, плазмали мониторлар ва рақамли фотоаппарат шулар жумласидандир.

«Туркистон-пресс».

УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР АНЖУМАНИ

Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази ташаббуси билан пойтахтимиздаги Тошкент қурилиш ва миллий хунармандлик касб-хунар коллежида республикамиздаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари ҳамда ўқувчи ёшлари иштирокида семинар ўтказилди.

Президент Ислом Каримов иккинчи қақирик Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилайётган ислохотлар тўғрисида ўтган давр мобайнида барча соҳаларда эришилаётган ижобий ўзгаришлар, шунингдек, ечимини кутаётган муаммоларга атраофликча тўхтади. Тараққиётимизнинг янги босқичида олдимишда турган ус-тувор йўналишлар ва вазифаларнинг мазмун-моҳиятини ёш авлод онгига аниқ ва тушунарли тарзда етказиш муҳимлигига эътибор қаратишди. Бунда, асосан, ўрта махсус, касб-хунар мактапларида ушбу маърузадан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишда талабалар учун махсус ўқув дарслари ташкил этилгани айни мудоаа бўлгани кайд этилди.

вазифаларнинг мазмун-моҳиятини ёш авлод онгига аниқ ва тушунарли тарзда етказиш муҳимлигига эътибор қаратишди. Бунда, асосан, ўрта махсус, касб-хунар мактапларида ушбу маърузадан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишда талабалар учун махсус ўқув дарслари ташкил этилгани айни мудоаа бўлгани кайд этилди.

Б.БОТИРОВ,
ЎЗА муҳбири.



АСОМ ҒАДАНГ ЧИМИРИЛДИ

Уч-тўрт қария беихтиёр тўхтаб, орқароқда келаятган Асом гадагга тикилиб қолишди. У бир омади гап қилди-ми, тагида «бердиси» албатта бўлади.
— Ҳозиргина дарвозахонадан чиқсам, кўчамизнинг у бетидеги Ёқуб омор бор-ку, эшигида гала-ғовур, — Ғаданг етиб олган, чоллар ёнма-ён охишта юриб кетишди. — Бундоқ қулоқ тугиб турдим. Англидимики, омборнинг кенжа келини сабази-пиёзни тўғраб, ошхонага кирса, қозон йўқмиш. У ёқни қарабди, бу ёқни қарабди, хонадоннинг нариги чеккасида алоҳида яшовчи овсиндан бориб сўрабди, илло қозон йўқ. Пироварди уйда тасбех ўғириб ўтирган қайнонага айтибди. Эсон кампир хайрон бўлибди.

— Ғафлат босмаса, зулфни илишмай-дими, — Маткарим бунанинг хириллаган овози эшитилди.
— Э, ака, чиқаси келса... — салмоқланди мулла Розик.
Ҳаммалари унга ялт этиб қарашди. Унинг ҳам дарди ичиди. Кўшини қишлоқда куёбининг икки оти билан сигирини етаклаб кетишганига бир ой бўлди, хануз дараги чиқмади. Қуёв ҳам эринчоқми, овароқми, тунда моларни бедапоёда қолдириб келган экан. Бироз ўтлаб тури-син, деганимиш. Ана, кетди ўтлаб.
Бир томони ўғирлик илдиэ отябди. Кеча радио хабар берди: Тошкент вилоятида бир кеча-кундузда 14 та ўғирлик содир этилибди. Шундан олти таси — хонадонлардан ўғирлик, олти таси — мол ўғирлиги. Оҳангаронда, «Фаллақудук» хўжалигида Орифжон Азимовнинг уч бош отини ўғирлаб кетишилти. Чиноз туманида 500 метр телефон симини ўзиб олишилди. Халқободда Нуъмон Юсуповнинг молини етаклаб кетишилди. У ҳам кечаси далада қолдирган экан. Эрта тонгда Олмаликда ҳам мол ўғирлиги юз берган — пенсияер Жингор Мусинанинг сигирини молхонасидан етаклаб чиқиб кетишилди.

— Харомдан хазар йўқолдими, шундай бўлаверди, — яна салмоқланди мулла Розик.
Буни эшитиб, Асом гадаг чимирилди.
— Яна айтаман, ўзимиз ҳам айблимиз. Ҳалиги мақолни мулоҳаза қилинг мундоқ. Ҳа, Ҳа, бундай синаотлар ҳамма замонларда ҳам бўлган. Локигин, одамлар оғоҳ, жамоат зийрак кезлари ўғирлар кетади писиб. Ҳозир-чи, мен сизга айтсам, эски-тускимни, сигирбузоқми, сотиб ола берамиз. Нархи салгина паст бўлса бас, шовиб қоламиз. Ана, Қодир қассирнинг хотини юрибди судма-суд сарсон бўлиб. Бор гап кўчада тилла узук сотиб олганакан. Икки-уч ўсимир бир йигитни ўлдириб, бармоғидан сугуриб олган экан ўша узукни. Ана энди ўша қотиллар қатори Ойшахон ҳам сўроқда.

— Ҳа-я, — дея олибди эси оғиб.
Бир ошлик сабази-пиёз тўғраш фурсатида бўлибди шу гап. Бунга нима дейсиз?
— Ҳа, Завқий домла айтмоқчи, «Ажаб-ким, қўл оёқда юргудек турфа замон бўлди», — деб кўйди Қосимтилла.
— Замон-замон... — энцис қотди Ғадангини. — Замонга нима бўлибди? Замон турибди жойида. Бир томони гап ўзимизда: менда, сенда, ана, Қайом ҳосилотда. Хўп анқовроқми, эътибор-сизроқми бўлиб қолдик ўзимиз. Ғафлат босмаса, ана, нариги Пастқўча маҳалласидаги Эшмат дўхтирга ўхшаб, қолмасдик чиркиллаб. Эшитгандирсиз, ўтган оқшом боқиб кўйган икки новвосини етаклаб чиқиб кетишилди ўғирлар. Холбуки, хонадон жамул-жам экан. Ҳаммаша дежурликдами, визовдами, тентираб юрвчи дўхтирнинг ўзи ҳам уйда кўк чой ичиб ётган экан шу кеч. Ҳаммалари кино кўриб ўтиришган...

— Ҳа, Завқий домла айтмоқчи, «Ажаб-ким, қўл оёқда юргудек турфа замон бўлди», — деб кўйди Қосимтилла.
— Замон-замон... — энцис қотди Ғадангини. — Замонга нима бўлибди? Замон турибди жойида. Бир томони гап ўзимизда: менда, сенда, ана, Қайом ҳосилотда. Хўп анқовроқми, эътибор-сизроқми бўлиб қолдик ўзимиз. Ғафлат босмаса, ана, нариги Пастқўча маҳалласидаги Эшмат дўхтирга ўхшаб, қолмасдик чиркиллаб. Эшитгандирсиз, ўтган оқшом боқиб кўйган икки новвосини етаклаб чиқиб кетишилди ўғирлар. Холбуки, хонадон жамул-жам экан. Ҳаммаша дежурликдами, визовдами, тентираб юрвчи дўхтирнинг ўзи ҳам уйда кўк чой ичиб ётган экан шу кеч. Ҳаммалари кино кўриб ўтиришган...


— И-е!? — деган хайратомуз овозини эшитди. — Токчадаги бир қоп жўхори қани?
— Биз ҳам хайронмиз, дадаси, — деди Розия буви ташвиш оҳангида. — Уйловдикми, бирон жойга олиб кўйган бўлсангиз...
Мулла Розик кампирнинг гапини бўлди:
— Қаллаварам, бир қоп донни мен қандоқ кўтариб, бошқа ёққа олиб қўяман...
Асом гадаг аҳоли-ҳолатни тушунди. У чимирилганича кетиб борарди.

Жўрабек МУРОДОВ.

ҚИЗИҚ

ШАҲАРНИ ЕГАН ЧУМОЛИЛАР

Яқинда палеонтологлар Африкадаги қазилмалар пайтада термитнинг тош қотган қанотини топди. У қирчумоли, баъзан оқ чумоли деб ҳам аталади. Текширув натижаларига қараганда, ҳашаротнинг ёши 200 миллион йилга тенг экан. Термитлар фақат юра давридан топилган бўлса-да, бу рақам олимларни унчалик ажаблантирмади. Термитлар жуда қадимий ҳашарот, ҳар қандай нарсани ея олиши



туфайли гоят яшовчандир. Термитлар на очликни, на қурғоқчиликни, на вабо ва ўлатни писанд қилади. Кейинги бир неча йил мобайнида тўпланган далиллар бу ҳашаротларнинг емиш танламаслиги ва тўсиқлардан чекинмаслиги қай даражада эканлигини яққол тасвирлайди. Шри Ланкадаги қамқоқлардан бирида термитлар хом гиштдан урилган деворни еб ташлаган. Бунинг натижасида эса уч нафар маҳбус жуфтаникни ростлаб қолган. Австралида термитлар бочкаларда етти минг литрга яқин пиво сакланаётган ертўланнинг қурғошини деворини емириб ташлаган. Пивога тўйиб олгандан кейин, улар қўшни меҳмонхонанинг биллиардонасига йўл олишган. У ердаги жамки ёғочларни еб битириб, ҳатто биллиард шарларини ҳам паққос туширишган. Мисрда рўй берган мана бу воқеа эса, ҳаммасидан ошиб тушди. Бехерлик бир дежон қадимий қабристоннинг бир чеккасидан қавлаб, термитлар уясини очиб юборган. Шунда миллионлаб ҳашаротлар шаҳарга ҳужум қилган. Бирмунча вақтдан кейин термитлар шаҳарини... еб битиришган.

ҚИЗИҚ

ШАҲАРНИ ЕГАН ЧУМОЛИЛАР

кейин, улар қўшни меҳмонхонанинг биллиардонасига йўл олишган. У ердаги жамки ёғочларни еб битириб, ҳатто биллиард шарларини ҳам паққос туширишган. Мисрда рўй берган мана бу воқеа эса, ҳаммасидан ошиб тушди. Бехерлик бир дежон қадимий қабристоннинг бир чеккасидан қавлаб, термитлар уясини очиб юборган. Шунда миллионлаб ҳашаротлар шаҳарга ҳужум қилган. Бирмунча вақтдан кейин термитлар шаҳарини... еб битиришган.

кейин, улар қўшни меҳмонхонанинг биллиардонасига йўл олишган. У ердаги жамки ёғочларни еб битириб, ҳатто биллиард шарларини ҳам паққос туширишган. Мисрда рўй берган мана бу воқеа эса, ҳаммасидан ошиб тушди. Бехерлик бир дежон қадимий қабристоннинг бир чеккасидан қавлаб, термитлар уясини очиб юборган. Шунда миллионлаб ҳашаротлар шаҳарга ҳужум қилган. Бирмунча вақтдан кейин термитлар шаҳарини... еб битиришган.

Advertisement for 'TOHKENT HAQIQATI' newspaper. Includes contact info: 'Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ', 'Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ', 'Телефонлар: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.', 'Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақамли билан рўйхатга олинган.', 'Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида тарилди ва саҳифаланди.', '● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрлиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.'